

Ўзбекистон туманилик моҳир ҳунарманд Мұхаббатхон Ғофурова "Йил аёли" миллий танлови доирасида ўтказилган "Энг намунали тадбиркор" кўрик-танловининг республика босқичида 1-ўринни эгаллади

Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон касаба уюшмалари саройида «Аёли эъзозланган юрт!» мавзуидаги маданий-маърифий тадбирлар мажмуаси бўлиб ўтди. Унинг доирасида "Йил аёли" миллий танлови, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасининг турли кўрик-танловлари ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

Ўзбекистон тумани "Марҳаматхон устоз-шогирд" касб-ҳунарга ўқитиш маркази раҳбари Мұхаббатхон Ғофурова миллий танлов доирасида ташкилланган "Энг намунали тадбиркор" кўрик-танловида 1-ўринга муносиб кўрилди.

Туманинг "Янгиҳаёт" маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли Жаманжар қишлоғида узоқ йиллардан буён ҳунармандчилик билан шуғулланиб келаётган моҳир гиламдўз уста дарҳақиқат, шу кунгача кўплаб аёл-қизларнинг суюкли устозига айланиб улгурган.



Таъкидланишича, касаначилик орқали иш ўринлари ташкил этган тадбиркорлар ўтасида ўтказилган мазкур кўрик-танловининг ҳудудий ва республика босқичларида 195 нафар тадбиркорлардан 14 нафари якуний босқичда ғолиб ва совриндорликни қўлга киритишган.



2022-12-28 19:52:58